

5-10-2019

CONCEPTUAL PROPOSALS OF PEDAGOGY OF COOPERATION IN MODERN CONDITIONS

Inakov Kudratdjon
Namangan state uniwersity

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Kudratdjon, Inakov (2019) "CONCEPTUAL PROPOSALS OF PEDAGOGY OF COOPERATION IN MODERN CONDITIONS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 1 , Article 47.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss1/47>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

ЗАМОНАВИЙ ШАРОИТДА ҲАМКОРЛИК ПЕДАГОГИКАСИНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ҒОЯЛАРИ

Кудратжон Инақов

Аннотация. Мақола таълим-тарбия сифатини оширишда ҳамкорлик педагогикасининг аҳамияти масалаларига бағишланган. Шунингдек, муаллиф ҳамкорликда ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишнинг методик тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратган ҳамда такомиллаштириш бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини бериб ўтган.

Калит сўзлар. Ҳамкорлик педагогикаси, таълим сифати, технология, интеграция, лойиҳалаштириш, механизм.

КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ПРЕДЛОЖЕНИЯ ПЕДАГОГИКИ СОТРУДНИЧЕСТВА В СОВРЕМЕННОМ УСЛОВИЯМ

Кудратжон Инақов

Аннотация. Статья посвящена важности совместной педагогики в повышении качества образования и воспитания. Автор также уделил особое внимание совершенствованию методологической базы для разработки и внедрения совместных педагогических технологий и предоставил отзывы и отзывы об улучшении.

Ключевые слова. Партнерство Педагогика, Качество образования, Технологии, Интеграция, Дизайн, Механизм.

CONCEPTUAL PROPOSALS OF PEDAGOGY OF COOPERATION IN MODERN CONDITIONS

Kudratdjon Inakov

Abstract. The article is devoted to the importance of joint pedagogy in improving the quality of education and upbringing. The author also paid special attention to improving the methodological framework for the development and implementation of joint pedagogical technologies and provided feedback and feedback on improvements.

Key words. Partnership Pedagogy, Quality of Education, Technology, Integration, Design, Mechanism.

Жаҳонда халқаро ташкилотлар ҳамда дунёнинг аксарият давлатлари томонидан таълим барқарор тараққиётни таъминлайдиган асосий куч сифатида эътироф этилиб, 2030 йилгача белгиланган янги таълим концепциясида “ўқитиш сифатини баҳолаш жараёни ва воситаларини такомиллаштириш, эришилган натижаларни аниқлаш имконини берувчи механизмларни амалиётга жорий этиш”[1] долзарб вазифа этиб белгиланди. Айниқса, ҳамкорлик педагогикаси асосида таълим-тарбия сифатини лойиҳалаштириш, ўқув диалоги асосида таълим жараёнини индивидуаллаштириш, ҳамкорликда ўқитиш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишнинг методик тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳамкорлик педагогикаси асосида таълим-тарбия сифатини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган илмий изланишларда ўқув-тарбия жараёни натижавийлигига алоҳида эътибор қаратилиб, ҳамкорлик педагогикаси асосида шахсий-инсонпарварлик ёндашувига асосланган ўқитиш моделларини ишлаб чиқиш зарурлигига асосий урғу берилмоқда. Ушбу тадқиқотларда ҳамкорлик педагогикаси асосида таълим-тарбия сифатини такомиллаштиришнинг методик шарт-шароитларини аниқлаштириш, ҳамкорликда ўқитишнинг концептуал ғояларини амалиётга татбиқ этишга оид илмий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, таълим-тарбия сифатининг ошишига таъсир этувчи омилларни аниқлашга эътибор қаратилган. Шу билан бирга, таълимнинг коллаборатив ва кооператив технологияларини ишлаб чиқиш, оила, мактаб ва ижтимоий институтларнинг таълим-тарбия жараёнидаги интеграциясини таъминлаш механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ривожланган демократик давлат барпо этиш талабларига мос равишда ёшларнинг таълими ва тарбияси сифатини ошириш, ўқув жараёнига таълимнинг замонавий шакллари ва усулларини жорий этиш вазифасини қўяди. Мазкур вазифани амалга ошириш шахсга йўналтирилган таълим стратегияси талабларига қўра, ҳамкорлик педагогикаси асосида таълим-тарбия сифатини такомиллаштириш эҳтиёжини келтириб чиқармоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Умумий ўрта таълим сифатини тубдан яхшилаш информатика, математика, физика, кимё, биология айниқса чет тиллар каби бошқа муҳим ва фундаментал фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш”[2] вазифа этиб белгиланди. Натижада ҳамкорлик педагогикаси асосида таълим-тарбия сифатини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини аниқлаштириш, оила ва мактаб фаолиятини интеграциялашнинг педагогик таъминотини ишлаб чиқиш алоҳида зарурат касб этишини кўрсатмоқда.

Замонавий шароитда ҳамкорлик педагогикаси муаммосининг долзарблигига қуйидагилар асос бўлмоқда:

биринчидан, жамиятда ижтимоий ва педагогик жараёнларнинг жадал суръатларда амалга оширилаётганлиги (муносабатларнинг инсонпарварлашуви ва демократлашуви, инсон омили ролининг кучаяётганлиги, инновацион жараёнлар асосида таълим-тарбия сифатининг ҳамда таълим, мактаб муаммоларига халқ эътиборининг ортиб бораётганлиги ва ҳ.к.);

иккинчидан, умумий, оммавий педагогик амалиётнинг ҳолати (ўқитувчи ва ўқувчиларга етарли даражада педагогик қўллаб-қувватлашнинг берилмаётганлиги, уларнинг ўқув-тарбия жараёнидан қониқмаётганликлари; ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан инсонпарвар ва дўстона муносабатни ташкил этиш малакаларининг етарли эмаслиги ва ҳ.к.);

учинчидан, амалиётчи-педагогларнинг таълимий инновацияларга катта эҳтиёж сезиши (бола шахсини ривожлантиришга қаратилган таълим-тарбиянинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш ва ҳ.к.).

Ҳамкорлик педагогикаси асосида умумий ўрта таълимда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш таълим муассасалари амалиётида муайян ўзгариш-лар киритишга йўналтирилган фаолият бўлиб, унинг самараси умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятининг ижтимоий талабларга мувофиқ ташкил этилиши, таълим мазмунининг бойитилиши ва сифатининг яхшиланиши, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасининг ошганлиги, уларнинг юксак маънавий-ахлоқий сифатларга эгалликлари, таълим-тарбия жараёнида ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида ўзаро фаол ҳамкорликнинг қарор топганлиги билан белгиланади.

Хорижий таълим назарияси ва амалиётида ҳамкорликда ўқитиш (“cooperativ learning”) анъанавий таълимнинг муқобили сифатида кенг тадқиқ этилган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳамкорлик самарадорлиги умумий натижа ҳисобига иштирокчиларнинг интерфаоллиги, ўзаро алоқадорлиги ва масъулияти, унинг такомиллашувини, гуруҳ иштирокчиларининг конструктив ўзаро биргаликдаги ҳаракатига индивидуал масъулияти ва йўналганлигини таъминлайди.

Ҳозирги вақтда “Таълим сифати”га нисбатан зарур ва аниқ бир таърифнинг берилмагани таълим-тарбия сифатини такомиллаштиришнинг мақбул моделини амалиётга татбиқ этишга тўсқинлик қилмоқда. Чунки “ўқитиш сифати”, “таълим сифати” тушунчаларининг синоним сифатида қўлланилиши кўзга ташланади. Аксарият ҳолатда мазкур тушунчани фақат ўқитиш жараёни самарадорлиги билан боғлаб талқин қилинади. Шу сабабли мазкур тадқиқотда ушбу тушунча “таълим-тарбия сифати” тарзида қўлланилиб, ҳамкорлик педагогикасининг концептуал ғояларига тўлиқ мос келиши асосланган.

Таълим-тарбия сифатини такомиллаштириш деганда, таълим-тарбия жараёнларини тизимли лойиҳалаштириш ва педагогик қўллаб-қувватлаш, қайта алоқанинг интенсификациясини таъминлаш, педагогик тизимнинг очиқлиги, динамиклиги, статистикалиги, ўқувчиларнинг ўз-ўзини ривожлантириши, интеллект-туал, ҳиссий, ахлоқий, маданий, жисмоний имкониятларини фаоллаштиришга эришиш тушунилади.

Ҳамкорлик педагогикаси асосида таълим-тарбия сифатини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради: жорий ва стратегик ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиш механизминини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ўқитишнинг тактик ва стратегик вазифаларини лойиҳалаштириш; таълимни бошқариш органлари, маҳаллий давлат бошқарув органлари, ўз-ўзини бошқариш органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, жамоат ташкилотлари ва оилалар манфаатларини устуворлигига эришиш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали усулларини жорий этиш; таълим соҳасидан манфаатдор гуруҳларнинг талаб ва эҳтиёжлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг индивидуаллигини тўлиқ қўллаб-қувватлаш ва фаол ҳамкорликни таъминлашга эришиш.

Таълим-тарбия жараёнидаги ҳамкорлик тузилмаси коммуникатив-интегратив, функционал-ролли ва субъектив-гуруҳий компонентларни ўзида акс эттиради.

Коммуникатив-интегратив компонент таълим-тарбия жараёнидаги ҳамкорлик субъектларининг коммуникатив алоқалари тизимини ўзида ифода этади.

Функционал-ролли компонент таълим-тарбия жараёни иштирокчиларининг умумий мақсадга эришишга йўналтирилган комплекс биргаликдаги ўзаро алоқадор ҳаракатларини ўз ичига олади.

Субъектив-гуруҳий компонент барқарор муносабатларни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнида субъектларнинг ўзаро фаоллигини тақозо этади.

Тадқиқотда ҳамкорлик педагогикаси асосида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг қуйидаги мезон ва кўрсаткичлари аниқлаштирилди:

таълим-тарбия жараёнидаги ўзаро биргаликдаги фаолиятнинг диалогик тавсифга (диалогик муносабатлар жараёнидаги субъектларнинг коммуникатив установакалари) эгаллиги;

таълим-тарбия жараёнида субъектларда қадриятга йўналтирилган муносабатнинг (ўзаро ҳурмат, ўзаро ишонч, ўзаро бир-бирини тушуниш, масъулиятни онгли ҳис этишда субъектларнинг ўзаро биргаликдаги фаолиятга қадриятга йўналганлиги) умумийлиги;

субъектларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракатининг мувофиқлиги (ўзаро биргаликда мақсадни белгилай олиш кўникмаси, унга эришиш усулларини режалаштириш, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш, мақсадга эришишни ҳамкорликда назорат қилиш, олинган натижалар асосида янги мақсад ва вазибаларни аниқлаштириш);

фаолиятли-гуруҳий мезонлар – ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг интенсивлиги, жамоадаги эмоционал-психологик муҳит (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Ҳамкорлик педагогикаси асосида таълим-тарбия сифатини такомиллаштириш компонентлари, мезон ва кўрсаткичлари

Компонентлари	Мезонлари	Кўрсаткичлари
Коммуникатив-интегратив	Ўзаро биргаликдаги фаолиятнинг диалогик тавсифга эгаллиги	Диалогик муносабатлар жараёнидаги субъектларнинг коммуникатив установакалари
	Таълим-тарбия жараёнида субъектларда қадриятга йўналтирилган муносабатнинг умумийлиги	Ўзаро ҳурмат, ўзаро ишонч, ўзаро бир-бирини тушуниш, масъулиятни бирга ҳис этишда субъектларнинг ўзаро биргаликдаги фаолиятга қадриятга йўналганлиги
Функционал-ролли	Субъектларнинг ўзаро биргаликдаги	Ўзаро биргаликда мақсадни белгилай олиш кўникмаси,

	харакатининг мувофиқлиги	унга эришиш усулларини режалаштириш, ўзаро биргаликда режаларни амалга ошириш, мақсадни эришишни ҳамкорликда назорат қилиш, олинган натижалар асосида янги мақсад ва вазифаларни аниқлаштириш
Субъектив-гурухий	Фаолиятли-гурухий мезонлар	Ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг интенсивлиги, жамоадаги эмоционал-психологик муҳитнинг ижобий тавсифга эгаллиги

Мазкур мезонлар ва кўрсаткичлар асосида ҳамкорлик педагогикасининг таълим-тарбия сифатини такомиллаштириш даражалари (юқори, ўрта, паст) аниқлаштирилди.

Ҳамкорлик педагогикаси асосида таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришнинг юқори даражаси субъектлар ўртасидаги ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг диалогик тавсифга эга бўлишини, фаолият мақсадини аниқ белгилай олиш, унга эришиш усулларини режалаштириш, белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш, мақсадга эришишни ҳамкорликда назорат уйғун муносабатларни ўрнатишда қадриятга йўналганликни талаб этади.

Ўрта даража субъектлар ўртасидаги ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг альтруистик ва конформ кўринишини, фаолият мақсадини белгилай олиш кўникмасининг ситуатив характерга эгаллигини, унга эришиш усулларини формал режалаштириш, бошқа субъектларнинг қизиқишларига нисбатан қадриятга йўналганликни акс эттиради.

Паст даража субъектлар ўртасидаги ўзаро биргаликдаги ҳаракатнинг авторитар ва манипулятив тавсифга эгаллигини, фаолият мақсадини белгилашда айрим субъектлар иштирок этишини, субъектларнинг шахсий қадриятлар тизимининг жамоавий меъёрлардан устун туришини ифода этади.


Натижада оила ва мактаб интеграциясини таъминлаш ҳамкорлик педагогикасининг жамиятни педагоглаштириш йўналишининг муҳим вазифаси сифатида белгиланди.

Ҳамкорлик педагогикаси – бу шахснинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши йўлида муҳим қадам ҳисобланиб, болаларни ўқитиш ва тарбиялашда нафақат ўқитувчиларнинг ўқувчилар ва ҳамкасблар билан шунингдек, ота-оналар, маҳалла фаоллари билан биргаликдаги фаолиятидир. Ота-оналар, маҳалла фаоллари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар билан биргаликдаги ҳаракат дарс ва дарсдан ташқари фаолиятда уларнинг иштирок этиши, таълим-тарбия жараёни сифат ва самарадорлигини оширишда ёрдам кўрсатиши, мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал этиш ва ўзаро ҳамфикрлилик

муҳитини ташкил этишни талаб этади. Педагог-новаторлар фаолиятини комплекс ўрганиш педагогика фани ривожига ўз ҳиссасини қўшадиган, юқори натижаларни кўзлайдиган уларнинг ҳар бири истеъдодли педагоглар эканлигини кўрсатади.

Ҳамкорлик педагогикасининг ғоя ва тамойилларини амалга оширувчи педагог-новаторларнинг концептуал ғояларини таҳлил этиш уларнинг ўқувчиларнинг таълим-тарбиясига ёндашуви янги, инсонпарвар тизимга эгаллигини алоҳида қайд этишни тақозо этади.

Таҳлил натижалари асосида ҳамкорлик педагогикасининг қуйидаги концептуал ғоялари аниқлаштирилди.



тизимли-функционал моделга асосланиш лозим. Мазкур ёндашув ҳамкор ташкилотларнинг стратегик, тактик ва ташкилотчилик компетентлигини шакллантиришга хизмат қилади.

References:

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2016 yil 15 fevraldagi "2016-2030 yillarga mo'ljallangan "Barqaror Rivojlanish Maqsadlari" ni O'zbekiston Respublikasida amalga oshirish" to'g'risidagi 111-f-sonli Farmoyishi.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni. O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlarni strategiyasi to'g'risida. /Rasmiy nashr/ O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi. – Toshkent: Adolat, 2017. – B.22.